



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

11 (49) 2022

**Сопредседатели редакционной
коллекции:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
Т.А. АСКАРОВ
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
С.И. ИСМОИЛОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Б.Т. РАХИМОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com>

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал

Научно-реферативный,

духовно-просветительский журнал

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

11 (49)

2022

ноябрь



Received: 20.10.2022
Accepted: 29.10.2022
Published: 20.11.2022

УДК 373.6 (430)

ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИНИНГ ЎРНИ

А.К. Шадманов,¹ Б.Т.Халматова,² Ф.И.Саломова³.

Тошкент тиббиёт академияси

✓ Резюме

Мақолада олий тиббий таълим муассасаларида ишлаб чиқариш амалиётини ташиқлаштириш бўйича маълумотлар келтирилган. Мутахассисларни тайёрлашда ишлаб чиқариш амалиётининг аҳамияти, талабаларнинг назарий ва амалий тайёргарлигини узвий боғлиқлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Тошкент тиббиёт академияси мисолида ишлаб чиқариш амалиётини такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш йўллари кўрсатилган.

Калит сўзлари: олий тиббий таълим, ишлаб чиқариш амалиёти, бакалавриатура

РОЛЬ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ ПРАКТИКИ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКЕ СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКОГО ВУЗА

А.К. Шадманов,¹ Б.Т.Халматова,² Ф.И.Саломова³.

Ташкентская медицинская академия

✓ Резюме

В данной статье представлена информация о производственной практике в высших медицинских образовательных учреждениях. Особое внимание уделено значению производственной практики для становления специалиста, вопросам интеграции теоретической и практической подготовки студентов. Показаны пути оптимизации производственной практики, повышение его качества на примере Ташкентской медицинской академии.

Ключевые слова: высшее медицинское образование, производственная практика, бакалавриатура

THE ROLE OF INTERNSHIP IN PROFESSIONAL TRAINING OF MEDICAL STUDENTS

A.K.Shadmanov., B.T.Khalmatova., F.I.Salomova

Tashkent Medical Academy

✓ Resume

This article provides information on work practice in higher medical educational institutions. Particular attention is paid to the importance of work practice for the development of a specialist, the issues of integration of theoretical and practical training of students. Ways of optimizing production practice, improving its quality are shown on the example of the Tashkent medical academy.

Keywords: higher medical education, industrial practice, bachelor's degree



Долзарблиги

Илмий-техник тараққиётнинг жадал ўсиши, юқори малакали тиббий мутахассисларга бўлган талаб ошиб бораётган даврда тиббиёт олий таълим муассасаларининг ўта муҳим вазифаси бўлиб шифокорларни тайёрлаш сифатини ошириш ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида олий тиббий таълимнинг ислоҳат қилишни бош мақсади талабаларнинг лаёқат-бошқарув қобилиятини шакллантириш, фаол ижодий ўқув, мустақил таълим ва илмий фаолиятни амалга ошириш ҳисобланади.

Республикада тиббий таълим ислоҳатининг асосини, ёш мутахассисни касбий фаолиятга тайёрлашда назарий ва амалий компонентларнинг ўзаро алоқасини кучайтириш ташкил этади.

Тиббий кадрларни тайёрлашда доимо ўқув режасидаги барча фанлар бўйича илмий-назарий билимларни чуқур ва тизимли ўзлаштиришга алоҳида аҳамият берилган [1,2]. Шу билан бир вақтда шубҳа йўқки, бўлажак шифокорларни ўқитишни юқори самарадорлигига амалий тайёргарликсиз эришишнинг имкони мавжуд эмас, у эса олий тиббий мактабнинг дастлабки босқичларидан бошланиши лозим.

Тиббиёт олий ўқув юртлиридаги замонавий таълим фаолияти талабаларда мустақил ишнинг ролини кучайтиришга қаратилган бўлиши керак. Талаба ўзининг фаолиятидаги мақсад ва вазифаларни шакллантиришни, уларни ҳал этишнинг ҳаммабоп ва самарали йўллариини излаш ва таҳлил қилишни, натижаларни баҳолашни ва аргументлашни ҳамда уларнинг ишончлилигини асослашни билиши зарур. Бунда ҳал этилиши лозим бўлган онгли ва касбий вазифаларни натижавийлигини баҳолаш билан ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини сифатли ўташ вазифаларига катта эътибор қаратишлари лозим. Талабаларни ўқитиш жараёнида самарали ташкил этилган амалий фаолият уларни мустақиллиги ва онгли фаоллигини сезиларли кучайтиришга олиб келади.

Тиббиёт олий таълим муассасасида мутахассисларни тайёрлаш сифати клиник ёки ўқув базаларда ҳамда етакчи тиббий муассасаларидаги ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ўтишда олинган амалий кўникмаларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш, назарий таълим жараёнида олинган билимлар даражасига бевосита боғлиқ бўлади.

Тиббиёт олий таълим муассасасидаги ишлаб чиқариш амалиёти қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

- ўқитиш – мустаҳкам назарий билимларни ўзлаштириш ва чуқурлаштиришга, кўникмаларни шакллантириш ва тиббий вазифаларни моҳирона ҳал этишни билишни эгаллашга йўналтирилган;

- ривожлантирувчи – онгли фаоллик, ижодий фикрлаш, ўз ўзини ривожлантириш, коммуникативлик ва шифокор шахсиятининг руҳий хусусиятларига қаратилган;

- ташҳисий – у талабанинг амалий тайёргарлик даражасини холис баҳолашга олиб келади;

- тарбиявий – шахснинг ижтимоий фаоллигини шакллантирувчи, танланган шифокорлик касби ва беморларга ҳурмат, инсонлар саломатлиги ва ҳаёти учун жавобгарликда унинг ролини чуқур тушуниб етиш.

Назарий билимларни амалиётда қўллаш, беморлар билан мулоқот ва шифокорлик ҳаракатларини бажариш имконияти талабаларда профессионал тиббий жамиятга дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга сабаб бўлади, бу эса уларда олинган назарий билимларга жиддий муносабат билдириш истаги ва ўқишга бўлган қизиқишни оширади.

Республикадаги олий тиббий таълим тизимида амалиётга қаратилган таълим учта бўғинни: биринчи – назарий – олий таълим муассасасининг амалий кафедраларида; иккинчи – амалий – базавий даволаш профилактика муассасаларида, клиникаларда; учинчи – ишлаб чиқариш амалиёти – бирламчи тиббий-санитар ёрдам кўрсатувчи тиббий ташкилотлар шароитида олиб боришни ўз ичига олади.

Тошкент тиббиёт академиясида (ТТА) ўқув амалиёти барча клиник фанлар бўйича клиник кафедраларда, даволаш профилактика муассасаларида ўтказилади ва ўқитувчи назорати остида тиббий муолажаларни бажариш, касаллик тарихини расмийлаштириш билан беморларни курация қилишдан иборат бўлади. Шунингдек ТТАда замонавий робот-симуляторлар, фантомлар, муляжлар ва тиббий асбоб ускуналар билан жиҳозланган симуляцион марказ фаолият олиб боради. Клиник моделлаштириш кафедрасида талабалар замонавий симуляцион

қурилмаларда ишлаш кўникмаларига ўқитилади, амалий кўникмаларни ўзлаштирилиши автоматизм даражасигача етказилади.

“Тиббий профилактика иши” таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари талабалари ишлаб чиқариш амалиётини Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (СЭО ва ЖС) марказларида, ОИТС қарши кураш марказларида, карантин ва ўта ҳавфли инфекцияларни олдини олиш марказларида, дезинфекция станциялари, санитар-назорат ва санитар-карантин пунктларида ўтишади.

Ишлаб чиқариш амалиёти зарур кадрлар ва илмий-техник потенциалга эга бўлган, тиббий амалиётни ўтказиш имконияти тўғрисида ТТА билан ҳамкорлик шартномасини тузган даволаш профилактик муассасаларида ўтказилади.

Биринчи курсда талабалар кичик тиббий ходим ёрдамчиси сифатида, иккинчи курсда – палата ҳамширасининг ёрдамчиси сифатида, учинчида – муолажа ҳамширасининг ёрдамчиси сифатида, тўртинчи ва бешинчи курсда стационар шифокори ёрдамчиси сифатида, олтинчи босқичда эса амбулатор- поликлиника муассасаси шифокор ёрдамчиси сифатида ишлаб чиқариш амалиётини ўтайди.

“Тиббий профилактика иши” таълим йўналиши талабалари биринчи курсда кичик тиббий ходим ёрдамчиси сифатида, иккинчи курсда – ҳамширасининг ёрдамчиси сифатида, учинчида – микробиологик, бактериологик лаборатория шифокори ёрдамчисига бириктирилади, тўртинчи ва бешинчи курсда СЭО ва ЖС хизмати шифокори ёрдамчиси сифатида ишлаб чиқариш амалиётини ўтайди.

Агар ТТА мисолида кўриб чиқилса, юқори курс талабаларининг назарий тайёргарлиги маърузалар курси, аудиториядан ташқари бўлган мустақил ишни ўз ичига олади; амалий машғулотларда беморларни мавзули муҳокамаси, вазиятли масалалар, тестлар, кейсларни ечиш; амалий вазифаларни ҳал этиш шаклида аниқ вазиятларни таҳлил қилиш ўтказилади, шунингдек таълим олувчиларни қабулда ва поликлиника чақирувларида; беморларни уйига фаол чақирувларни бажариш, тиббий хужжатларни расмийлаштириш, кундузги стационар ва поликлиниканинг бошқа тузилмавий бўлимлари иши билан танишиш ишларини бевосита амалга оширади. Юқори курсларда амалий тайёргарликни олиб боришда касалликларни бирламчи ва иккиламчи олдини олиш, аҳолининг диспансерацияси, касалликларни эрта аниқлаш, уларни ривожланишидаги ҳавф омиллари ва уларни замонавий коррекцияси масалалари қайта ишланади. Амалий-қиёсий ёндошувни ишлаб чиқишдаги ўта муҳим йўналиш бўлиб, амбулатор – поликлиника босқичини юритиш бўйича касбий лаёқатни қайта ишлаш ва энг кенг тарқалган касалликларга чалинган беморларни диспансер кузатиш, соғломлаштириш ва санатория-курорт шароитларида даволаш, тиббий ҳамда тиббий-ижтимоий реабилитацияни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек паллиатив тиббий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Амалий машғулотлар вақтида умумий амалиёт врач/оилавий врачларнинг беморнинг касаллиги бўйича тор соҳа мутахассислари билан ўзаро алоқаси, стационар, санатория-курорт шароитида тиббий ёрдам кўрсатиш босқичидаги шифокорлар ҳамда соғлиқни сақлашнинг биринчи бўғин шифокорлари ўртасидаги муҳим кетма кетликдаги яқин алоқаларнинг зарурий кўникмалари ўзлаштирилади, шунингдек тиббий ёрдам кўрсатишнинг босқичлилиги амалга оширилади (поликлиника босқичи – стационар – санатор-курорт босқичи – диспансер-поликлиника босқичи).

“Тиббий профилактика иши” таълим йўналиши талабалари атроф муҳит ва иш шароитининг инсон организмга салбий таъсир этиш мумкин бўлган омилларини аниқлашга ва уларнинг таъсирини камайтириш бўйича санитар-гигиеник ва профилактик чора-тадбирлар комплексини мустақил тарзда ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириши ва ўтказиш; аҳоли ва ишловчилар орасида соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш кўникмаларини шакллантириш уларнинг жисмоний, тиббий фаоллигини ошириш; оғоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратлари бўйича амалий фаолиятини мустақил олиб бориш; соғломлаштириш, аҳолининг эпидемиологик хотиржамлигини сақлашда илғор профилактик тадбирларни ўрганиши ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича зарурий кўникмалари ўзлаштирилади ҳамда мустақил амалий фаолиятни амалга оширишга тайёрланади.

Ёш шифокорларни ўқитишдаги амалий-қиёсий ёндошувда ўта муҳим ролни иш берувчи – соғлиқни сақлашнинг биринчи бўғин тиббий муассасаси бажаради.

Тошкент тиббиёт академияси ўз тассаруфида учта йирик клиникага эга, шунингдек Тошкент шаҳрида жойлашган 60дан ортиқ клиник ва ўқув базалар (поликлиника, стационарлар, хусусий клиникалар, СЭО ва ЖС хизмати марказлари) билан доимий ҳамкорликда иш олиб боради.

2022-2023 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ битирувчи курс талабалари беш ой давомида соғлиқни сақлашнинг биринчи бўғинида ва СЭО ва ЖС хизмати марказларида ишлаб чиқариш амалиётини ўтайдилар. Уларга тажриба тарихида оилавий шифокор, тез тиббий ёрдам шифокори, СЭО ва ЖС хизмати марказларида санитария ва эпидемиология бўлимлари шифокорлари лавозимида ставкада ишлаш имконияти берилди. Машғулотларнинг назарий қисми куннинг иккинчи ярмида MOODLE платформасида масофавий амалга оширилади. Бошқа шаҳарлардан келган талабалар ўз яшаш жойи бўйича амалиётга юборилади. Бундай ёндошув талабаларга келгусидаги ўзининг доимий иш ўрнига яхши мослашиши учун ёрдам беради.

Талабаларни уларни амалий ишида қўллаб қувватлаш учун, талабаларга маслаҳат ёрдамини кўрсатиш мақсадида ТТАда call маркази ва телетиббиёт марказлари ташкил этилди. Битирувчи курсларга дарс берувчи ўқитувчилар мураббий сифатида талабаларга бириктирилди, улар ўз шогирдларига амалий ёрдам кўрсатадилар.

Аксарият талабалар ушбу амалиётни кўтаринки рух билан қабул қилдилар, чунки уларнинг кўпчилиги дарсдан кейин шифокор ёрдамчиси сифатида фаолият олиб борар эдилар.

Олий таълим муассасаси ўқитувчиларидан ташқари талабаларнинг амалиёти учун масъул бўлиб тажрибали шифокорлар ҳам ҳисобланади, улар устоз сифатида ўз фаолиятларини бажарадилар. Талабаларни лаёқатли шифокор сифатида тайёрлаш учун ҳар бир шифокор ўз иш жойида моддий рағбатлантириш олади. Мазкур механизм амалий шифокорларига стимул бўлиб хизмат қилади ва уларга катта жавобгарликни юклайди.

Талабаларни амалий тайёрлаш шакл ва усулларини амалга ошириш фақат шу ҳолатда самарали бўладики, агар клиник кафедраларнинг шифокор-педагоглари ва амалий шифокорлар – ишлаб чиқариш амалиётининг раҳбарлари қуйидаги қоидаларга риоя этсалар:

-ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти дастурларини тўлақонли ва сифатли бажариш учун зарурий шароитларни яратиш;

-даволаш - профилактика муассасалари тиббиёт ходимлари билан биргаликда талабаларга амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштиришига имкон берувчи иш ўринларини мустаҳкамлашни амалга ошириш;

-талабаларни илмий амалий анжуманларда фаол иштирок этиши, беморлар билан руҳий мулоқат ўрнатишга ижодий ёндошув ва амалий вазифаларни ҳал этиш ташаббусини қўллаб қувватлаш;

-ўқув, ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш ва уларнинг дастурли масалаларини сифатли бажариш устидан тизимли назоратни амалга ошириш;

-ўқув ва ишлаб чиқариш якуни бўйича амалий кўникмаларни ўзлаштирилганлиги ва назарий билимларни текширишга оид зачетларни ўтказиш жараёнида талабаларнинг амалий тайёргарлигини дастурий материалларини ўзлаштириш даражасини холис баҳолаш;

-амалиётни аъло даражада ўтказган талабаларни рағбатлантириш, бу маълумотларни олий таълим муассасаси сайтида ёритиб бориш.

Хулоса

Шундай қилиб, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш назарий ва амалий билимлар интеграциясини ўз ичига олган ҳолда, тиббиёт олий таълим муассасасидаги таълимнинг биринчи йилидан бошлаш лозим. Бунда тиббиёт олий ўқув юртлари ва соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббий муассасаларнинг ўзаро яқин алоқасининг ролига катта эътибор қаратилиши лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Рогожин В.М., Елагина В.С. Современная модель подготовки специалистов // Современные проблемы науки и образования. 2017. № 6. [Электронный ресурс]. URL: <https://science-education.ru/ru/article/view?id=27136> (дата обращения: 26.03.2022).
2. Шеметова Г.Н., Рябошапка А.И., Беляева Ю.Н., Губанова Г.В., Шебалова Е.М., Молодцова Е.В., Купчикова С.С. Современные векторы и технологии профессиональной подготовки медицинских сестер с высшим образованием // Современные проблемы науки и образования. 2020. № 4. [Электронный ресурс]. URL: <https://science-education.ru/ru/article/view?id=29929> (дата обращения 06.04.2022)

Қабул қилинган сана 20.10.2022